

5 та муҳим ташаббуснинг Сух туманидаги ижроси



5 та муҳим ташаббуснинг Сух туманидаги ижроси

Президентимиз белгилаб берган бешта ташаббусни амалга татбиқ этиш бўйича Сух туманида туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларида турли тадбирлар ўтказиш анъана тусини олган. Ташкил этилаётган тадбирларда Юртбошимиз бошлаб берган ушбу ҳаётий ташаббусларнинг фарзандларимиз ҳаётида ўлкан ўрни ва аҳамияти борлиги таъкидланмоқда.

Туман 2-умумтаълим мактабида 5 та муҳим ташаббусни ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан семинар ташкил этилди. Семинарда 30дан ортиқ умумтаълим мактабларидан ўқитувчи ва ўқувчилар, маҳалла фаоллари иштирок этишди ва тадбир иштирокчилари мактабда 5 ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқдилар. Тадбир якунида ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фикр алмашдилар.



Туман халқ таълими бўлим мудирининг маълумотида кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда видеоселектор мажлисидаги ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишларини ошириш бўйича 5та муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан Сух тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларида арзирли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида 29 та умумтаълим мактабларда 103 та тўғарак ташкил қилиниб, ушбу тўғаракларга 3 216 нафар ўқувчи жалб қилинган. Шунингдек, таълим муассасаларидаги спорт тўғаракларининг сони 196 та бўлиб, ушбу тўғарак ва секцияларига 6 312 нафар ўқувчиларнинг иштироки таъминланган. Таълим муассасаларида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш мақсадида 38 тўғарак фаолият юритади ва ушбу тўғаракларга мактаб ўқувчиларидан 1 020 нафари жалб этилган. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида туман умумтаълим мактабларида 48 та тўғарак мавжуд бўлиб, ушбу тўғараклар 2 688 нафар китобсевар ёшларни бирлаштирган. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида Сух тумани умумтаълим мактабларида 38 та тўғарак ташкил этилган ва ушбу тўғаракларда 4 107 нафар ўқувчилар мураббийларидан касб-хунар сирларни ўрганишаётир.



Айтиш мумкин, қилинаётган барча амаллар фарзандларимиз келажагини кўзлаб амалга оширилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зотан, Ватан равнақи ва унинг порлоқ келажаги ўниб-ўсиб келаётган баркамол авлодга кўп жиҳатдан боғлиқлиги айна ҳақиқатдир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-06 13:47:10